

**“Оқтош дон” акциядорлик жамияти акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 2-сон Баёни**

2023 йил 06 июн соат 11:00

Нарпай тумани

**Йиғилишда қатнашди:**

Хужабеков Шавкат Жуманович - 2022 йил 29 мартдаги 70 сонли ишончномага асосан “Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда - Компания) номидан улуши (57,49 фоиз) овозга эга.

**Йиғилиш раиси:**

Ш.Хужабеков – Кузатув кенгаши раиси

**Иштирок этганлар:**

“Оқтош дон” акциядорлик жамияти акциядорлари ҳамда улар номидан келган вакиллар, жамият кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолари (рўйхатга олиш қайдномаси бўйича)

**Йиғилиш жамиятнинг Маъмурий биносида ўтказилди.**

Жами овоз берувчи акциялар 1 413 196 дона. Йиғилишда иштирок этаётган акциядорлар ва уларнинг вакилларига тегишли овоз берувчи акциялар сони 1 168 491 дона. Йиғилиш кворуми 82,68 фоиз.

**Кун тартибидаги масалалар:**

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан йиғилиш раиси Ш.Хужабеков сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 66-моддасига мувофиқ, овозларни санаб чиқиш, умумий йиғилишда иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият Кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида тасдиқланиши белгиланганлигини билдирди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги масала, яъни навбатдан ташқари умумий йиғилишни олиб бориш тартиби ва регламентини тасдиқлаш таклифини киритди. Йиғилишда маърузага чиқувчиларга 10 дақиқа, муҳокама учун 5 дақиқа, шунингдек, йиғилишни танафуссиз яқунлаш таклиф этилди ва очик овоз бериш орқали тасдиқлаб беришини сўради.

Шундан сўнг ушбу масала овозга қўйилди.

*Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:*

т/р	Тарафдорлар	Қаршилар	Бетарафлар
1	1 168 491 (100 фоиз)	Йўқ	йўқ

Санок комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши ҳамда бу таркибга жамият кузатув кенгаши аъзолари, тафтиш комиссияси аъзолари (тафтишчиси), жамият бошқарув раиси, жамият бошқаруви аъзолари, ишончли бошқарувчи, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмаслиги маълум қилинди. Кузатув кенгаши раиси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги иккинчи масала бўйича, акциядорлар томонидан тасдиқлаш учун қуйидаги таркибда санок комиссияси аъзоларини таклиф қилди ҳамда очиқ овоз бериш орқали тасдиқлаб беришларини сўради.

т/р	Фамилия исми шарифи	Лавозими
1	Адизов Умар Одилович	“Октош дон” АЖ кишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи
2	Ахмедова Мафтуна Эсановна	“Октош дон” АЖ ҳисобчи
3	Қахаров Шербек Суннатуллаевич	“Октош дон” АЖ ахборот ва коммуникация бўлими мутахассиси

Шундан сўнг ушбу масала овозга қўйилди.

*Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:*

т/р	Тарафдорлар	Қаршилар	Бетарафлар
2	1 168 491 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

**Қуйидаги (Кузатув кенгаши йиғилиши баёни билан тасдиқланган ва олдиндан акциядорларга тарқатилган) кун тартиби ўқиб эшиттирилди:**

- Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида;

- Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссияси сони ва шахсий таркибини сайлаш тўғрисида;

- Жамиятга қарашли Каттақўрғон филиали мулкӣ мажмуаси баланс қийматида Давактив агентлигига кейинчалик уларни сотишдан тушган тушумлар ҳисобидан баланс қиймати миқдоридagi маблағларни жамиятга тўлаб бериш шarti билан ўтказиш ва бу бўйича жамият ва Давактив агентлиги ўртасида тузиладиган шартнома шартларини кўриб чиқиш.

Шундан сўнг, йиғилиш раислигига Ш.Хужабеков, котиблигига жамиятнинг қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси А.Сайфуллаев номзодлари таклиф этилди.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига Кузатув кенгаши раиси Ш.Хужабеков, аъзолари, жамият бошқарув раиси Т.Худойбердиев ва бошқа ижро органи аъзоларининг номзодлари таклиф этилди.

Йиғилиш раиси кун тартибидаги **биринчи ва иккинчи масалалар** акциядорлар томонидан очик овоз бериш орқали тасдиқлаб олинганлиги сабабли, кун тартибидаги учинчи асосий масалани кўриб чиқиш таклифини киритди.

Кун тартибидаги **учинчи масала** бўйича Ш.Хужабеков ахборот берди. Жамиятга қарашли Каттакўрғон филиали мулкый мажмуаси баланс қийматида Давактив агентлигига кейинчалик уларни сотишдан тушган тушумлар ҳисобидан баланс қиймати миқдоридаги маблағларни жамиятга тўлаб бериш шarti билан ўтказиш ҳамда бу бўйича жамият ва Давактив агентлиги ўртасида тузиладиган шартнома шартларини кўриб чиқиш масаласи ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 ноябрь кундаги “Ғалла етиштириш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдаган бозор тамойилларини жорий этиш тўғрисида” ги ПҚ-10 сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид кўшимча чор-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-168-сон қарорига асосан “Ўздонмахсулот” АК таркибидаги дон корхоналари босқичма-босқич хусусийлаштирилиши белгиланганлиги, шунингдек, Давлат мулкани сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг 2022 йил 30 июндаги 38-сон (30.06.2022й. 01-02/1-620-сон) баёнига мувофиқ дон корхоналарининг алоҳида шахобчалари, филиаллар ҳамда бошқа ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи алоҳида мулкый мажмуаларни алоҳида савдоларга чиқарилиши мумкинлиги белгиланганлиги ҳақида йиғилиш иштирокчиларини таништириб ўтиб, жамиятнинг “Каттакўрғон дон” филиали мулкый мажмуаси баланс қийматида Давактив агентлиги ҳузуридаги Давлат мулкидан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасига топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида топширилиши ва бу бўйича ўзаро шартнома тузилиши;

- шартнома шартларида мулкый мажмуани сотишдан тушадиган тушумлар ҳисобидан мулкый мажмуанинг баланс қиймати миқдоридаги маблағлар жамиятга тўлаб берилиши белгиланиши, баланс қийматида тўлаб берилиши белгиланишига сабаб “Каттакўрғон дон” филиалига 2018-йилда “Ўздонмахсулот” АК нинг топшириғи асосан “Шўрчи донмахсулотлари” АЖ томонидан филиалга Туркия Давлатида ишлаб чиқарилган 9 448 289 346 сўмлик тегирмон цеҳи ва 5 326 213 904 сўмлик омукта ем цеҳи жами 14 774 503 250 сўмлик асбоб-ускуналар етказиб берилган. Ушбу “Шўрчи донмахсулотлари” АЖ дан бўлган 14 774 503 250 сўм қарздорлик “Оқтош дон” АЖ томонидан Молия Вазирлиги ҳузуридаги жамғарма маблағлари ҳисобидан тўлаб берилганлиги ва бунинг натижасида жамият бугунги кунда ҳам жамғармадан қарздорлиги ҳамда ушбу сотишдан тушган тушумдан жамғарма қарзи қопланиши ва жамиятнинг молиявий-

иктисодий аҳволига ижобий таъсир этиши, жамият моддий манфаатлари назарда тутилганлигидир.

Мазкур “Каттакўрғон дон” филиалининг баланс қиймати **26 178,0 млн. сўмни** ташкил этиши ва жамиятнинг охириги ҳисобот даврида, яъни 2023 йил 1 чорак якуни бўйича соф активлари миқдориغا (20 242,9 млн. сўм) нисбатан улуши **129,3 фоизни** ташкил этаётганлиги учун “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 83-моддасига мувофиқ мазкур активни сотиш бўйича битим йирик битим ҳисобланиши ва 84-моддасига асосан баланс қиймати ёки олиш қийматида битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилиниши белгиланди.

Мазкур топшириқни белгиланган муддатларда сўзсиз бажарилиши ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги бўйича амалга оширилиши юзасидан назорат Жамият бошқарув раисининг трансформация масалалари бўйича биринчи ўринбосари зиммасига юклатиш.

Шундан сўнг ушбу масала овозга қўйилди.

*Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:*

т/р	Тарафдорлар	Қаршилар	Бетарафлар
3	1 168 491 (100 фоиз)	йўқ	Йўқ

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиб, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини олиб бориш тартиби ва регламенти тасдиқлансин.

2. Акциядорлар томонидан кўриб чиқилиб, тавсия этилган бугунги умумий йиғилиш санок комиссияси сони ва шахсий таркиби тасдиқлансин.

### **3. Жамият Ижроия органи (Т.Худойбердиев),**

**3.1.** Жамиятга қарашли “Каттакўрғон дон” филиали мулкий мажмуаси баланс қийматида Давактив агентлиги ҳузуридаги Давлат мулкидан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасига топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида топширилсин ва бу бўйича ўзаро шартнома тузилсин.

Шунингдек, шартнома шартларида мулкий мажмуани сотишдан тушадиган тушумлар ҳисобидан мулкий мажмуанинг баланс қиймати миқдоридаги маблағлар жамиятга тўлаб берилиши белгилансин.

**3.2.** Жамият ижроия органи томонидан мазкур активларни белгиланган тартибда топшириш-қабул қилиш далолатномаларини расмийлаштириш бўйича қисқа муддатларда тегишли чоралар амалга оширилсин.

3.3. “Оқтош дон” АЖнинг барча масъул ва моддий жавобгар шахслари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-102-сон қарорига киритилган активларни хусусийлаштиришга масъул бўлган давлат идоралари томонидан қонунчиликка асосан белгиланган тартибда топширилгунга қадар бўтлигини таъминлаш ва бегоналаштирмаслик (сотилиш, гаровга қўйилиш, бузилиш ва шу кабилар) чораларини кўришга шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Жамият бошқарув раисининг трансформация масалалари бўйича биринчи ўринбосари (А.Машрабов) зиммасига юклансин.

Йиғилиш раиси:



Ш.Хужабеков

Йиғилиш котиби:



А.Сайфуллаев

*Баённома 2023 йил 09 июнь куни икки нусхада расмийлаштирилди.*